



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МУЛТИМЕДИЯ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АМАЛИЁТЛАРИ ВА
ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДА МУЛЬТИМЕДИАНИНГ
РИВОЖЛАНИШИ.**

БАЛТАБАЕВА НАСИБА ЯКУБОВНА

*Тошкент шаҳар Чилонзор тумани 2-сон касб-хуна
мактаби “Умумтаълим” кафедраси ўқитувчиси.*

***Аннотация:** Ҳозирги даврда мультимедиа технологияси тез ривожланиб бораётган замонавий ахборот технологиясининг асосий йўналиши сифатида кўп соҳаларда, жумладан, таълим соҳасида самарали фойдаланиб келинмоқда. Ушбу мақолада ҳам айнан Ўзбекистон Республикасида мультимедиа технологияларини ривожлантириш чора-тадбирлари ва амалиётда бажарилаётган ишлар ёритиб берилган.*

***Калит сўзлар:** мультимедиа, мультимедиа технологиялари, ахборот технологиялари.*

2017-2121 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси Ижтимоий соҳани ривожлантириш йўналишининг “Таълим ва фан соҳаларини ривожлантириш” бандида “Узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш, умумий ўрта таълим сифатини тубдан ошириш, чет тиллар, информатика ҳамда математика, физика, кимё, биология каби бошқа муҳим ва талаб юқори бўлган фанларни чуқурлаштирилган тарзда ўрганиш” вазифалари белгиланган¹.

¹ Ўзбекистон Республикаси янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. – Т.: Адолат, 2017. -111 б.



Жамиятимизнинг ҳар томонлама равнақ топиши ва ислоҳотларнинг муваффақияти бўлажак кадрларнинг, айниқса ёш авлоднинг ақлий, ахлоқий, ҳуқуқий билими, тарбияси, жисмоний соғломлиги, эстетик маданияти ва маънавиятининг юксак даражада шаклланганлигига боғлиқ. Республикамиз ёшларининг ҳар томонлама камолга эришиши, маънавиятли баркамол шахс сифатида шаклланиши ва уларнинг жамиятда фаол иштироклари бевосита, уларга бериладиган мақсадли ва тўғри ғоявий таълим-тарбияга асосланади.

Мультимедиа технологиясидан таълим соҳасида фойдаланишнинг долзарблиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги «Рақамли Ўзбекистон - 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6079-сонли Фармонида “Таянч олий таълим муассасаларида етакчи профессорўқитувчилари маърузаларининг аудиовизуал таълим контентини ҳамда мультимедиа таълим маҳсулотларини (аудиокитоблар, 3D, VR ва бошқалар) ишлаб чиқарувчи махсус медиа марказларни ташкил этиш” вазифалари белгиланган⁴. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 октябрдаги “Ахборот технологиялари соҳасида таълим тизимини янада такомиллаштириш, илмий тадқиқотларни ривожлантириш ва уларни IT-индустрия билан интеграция қилиш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4851-сон қарорида “Ахборот технологиялари соҳасидаги кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш «Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегиясини муваффақиятли амалга ошириш, рақамли технологияларни ривожлантириш ва аҳолининг кундалик ҳаётига кенг жорий этишни таъминлашнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади”². Бу борада бир қатор олий таълим муассасаларида мультимедиага доир ўқув фанлари ўқитилмоқда, узлуксиз таълимнинг барча турларида (босқичларида)

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 октябрдаги “Ахборот технологиялари соҳасида таълим тизимини янада такомиллаштириш, илмий тадқиқотларни ривожлантириш ва уларни IT-индустрия билан интеграция қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4851-сон қарори. <https://lex.uz/docs/5032128>



мультимедиа қўлланилмоқда, жумладан, мультимедиа элекрон дарсликлар, ўқув-услугий қўлланмалар, дарс ишланмалари (мультимедиавий маъруза) яратилмоқда. Шунингдек, информатика ва ахборот технологиялари йўналиши бўйича Республика ва халқаро миқёсда ўтказиладиган илмий-амалий анжуманларнинг ҳар бирида муаллифлар томонидан мультимедиага тегишли камида 3-4 та маъруза билан иштирок этилмоқда ва улар тўпламларда чоп этилмоқда. Турли хил илмий-оммабоп журналларнинг саҳифаларида ҳам мультимедиа тўғрисидаги мақолалар нашр этилмоқда, мультимедиа тўғрисида курс ишлари, малакавий битирув ишлари ва магистрлик диссертациялари тайёрланмоқда ҳамда мультимедиа бўйича маълум бир даражада илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Мультимедиа тўғрисида дастлабки маълумотлар 1980 йиллардан кейин пайдо бўлган. Шу йилларда машҳур америкалик компьютер мутахассислари, хусусан, Билл Гейтс “National Art Gallery London” номли биринчи мультимедиавий дастурий маҳсулот яратади. Ушбу дастурни яратишда Лондондаги музейнинг маълумот омборларидан фойдаланган ва мультимедиа атамаси ҳам тахминан шу йилларда пайдо бўлган. 1986 йилга келиб мультимедианинг барча компонентлари шаклланиб бўлади. Шу боис мультимедианинг “туғилган йили” 1986 йил ҳисобланади. 1988 йилда мультимедиа атамасининг таърифи қабул қилинган. Мультимедианинг амалий татбиқи 1990 йилларда дастлаб Америкада, сўнг Россияда бошланган бўлиб, республикамизга эса 1995-1996 йилларда кириб келган. Умуман олганда, мультимедиа технологиясининг ривожланиши қуйидаги босқичларга бўлинади, яъни:

- 1986 йилда тўла шаклланиб бўлди.
- 1988 йилда атама таърифи қабул қилинди.



- 1990 йилда узил-кесил ахборот технологиясидан ажралиб мустақил йўналишга айланди.

Мультимедиа ҳозирги даврда республикамизда ҳам тез ривожланаётган “Ахборот технологиялари” фанининг йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда ҳамда турли соҳаларга татбиқ этилмоқда. Республикамиз олимлари томонидан сўнгги йилларда олий, ўрта-махсус касб-хунар ва умумий ўрта таълим тизимида фойдаланиш учун 20 дан ортиқ мультимедиали электрон дарслик ва қўлланмалар яратилди. Ўқитувчилар томонидан эса турли мультимедиали ўқув қўлланмалар ва дарс ишланмалар ишлаб чиқилди. Буларнинг барчаси мультимедиани ўрганиш ва амалиётга татбиқ этиш замон талаби эканлигидан дарак беради.

Мультимедиа XX аср 80-йиллари бошидан янги ва мустақил йўналиш сифатида АҚШда юзага келди ва оммавийлаша бошлади. Мазкур йилларда мультимедиага тегишли 10 та дастур тайёрланиб компакт дискларга киритилган эди. Мультимедиа айти бир вақтда Европа мамлакатлари, жумладан, Россияда ривожлана бошлади. Компания ва фирмалар ишлаб чиқарадиган компьютерлар кўпроқ сотилиши учун уларни янги-янги компьютер ўйинлари билан таъминлаганлар ҳамда улардан баъзи бирларида, масалан ҳарбий ўйинларда мультимедианинг анимация компонентида фойдаланилган (1-компьютер ўйинлари). Ушбу ўйинда анимация эффекти ўқ ёки снаряд ҳаракат траекториясининг ўзгариши, объектнинг қочиш ва ўрин алмашилиш ҳаракатларида акс этган. Ўйинда товуш ва кўриш (объектнинг портлаши) эффектлари ҳам мужассамлашган. Мультимедиа, гарчи 1986 йилларда тўла шаклланиб бўлган бўлса-да, у шахсий компьютерлар яратилмаган даврларданок у ёки бу шаклда амалиётга номсиз ҳолда қўлланилиб келинган. Масалан, мультимедианинг дастлабки татбиқий соҳаси ўтган асрнинг ўрталарида намоён бўлган. Бу даврларда реклама универсал магазинларнинг пештахталарида, ярмарка, аэропорт ва темир йўл вокзалларида, маиший хизмат объектларида кенг



қўлланилган ҳамда мультимедиа воситаси сифатида газ ёруғлик найларидан фойдаланилган. Масалан, универсал магазин пештахталарида ўрнатилган газ ёруғлик найларининг ўчиб-ёниб туриши ва рангларининг ўзгариб туриши (найларда турли инерт газ тўлдирилган бўлади) мультимедиа эффектларидан бири ҳисобланади.

Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, ҳозирги даврда Республикамизда кўплаб мультимедиа элекрон дарслик, қўлланмалар, кўргазмалар дидактик воситалар – слайдлар, тақдимотлар, видео роликлар яратилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузурида Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази ташкил этилган эди. Бир қатор олий таълим муассасаларида мультимедиа технологиясига оид фанлар ўқитилмоқда. Мультимедиа технологиясидан узлуксиз таълим тизимида, айниқса, мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, ўрта-махсус касб-хунар таълимида фойдаланиш етарли даражада татбиқ этилмоқда. Бундан ташқари мультимедиа технологиясидан фойдаланиш бўйича ўқув-услубий қўлланма, амалий ишлар тўплами, мультимедиа технологиясидан фойдаланиш бўйича йўриқнома, шу соҳага оид мутахассисларнинг тажрибаларини акс эттирувчи рисола ва материаллар етарли даражада нашр этилиб келинмоқда. Маълумки таълимий мультимедиа технологияси элекрон таълим тизимини яратди ва унинг асосини компьютер ташкил этади. Шу сабабли таълим берувчилар даставвал компьютер технологиясини мукамал ўзлаштириб олишлари лозим. Бу муаммонинг аҳамияти ниҳоятда каттадир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш



чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-6079-сон Фармони.
<https://lex.uz/docs/5030957>

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 октябрдаги “Ахборот технологиялари соҳасида таълим тизимини янада такомиллаштириш, илмий тадқиқотларни ривожлантириш ва уларни IT-индустрия билан интеграция қилиш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4851-сон қарори.
<https://lex.uz/docs/5032128>

3. Абдуқодиров А.А., Бегматова Н.Х. Мактабгача таълим муассасаларида мультимедиа технологиясидан фойдаланиш услубиёти (ўқув-услубий қўлланма). – Қарши: Насаф, 2011. - 257 б.

4. Бегматова Н.Х. Таълимда ахборот технологиялари. - Қарши “Насаф”. 2020. – 256 б.

5. [https://api.scienceweb.uz/storage/publication_files/5591/15213/656708f55a669___](https://api.scienceweb.uz/storage/publication_files/5591/15213/656708f55a669___Begmatova_Monograf_tahrir)
Begmatova_Monograf_tahrir.